

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ**

**К. НОРМАТОВ, С. МАҲКАМОВ,
А. МАНСУРОВ**

**МЕРОСДАН ФОЙДАЛАНИШ
ТАЖРИБАСИДАН**

(Методик қўйлланма)

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент – 2001

67.3я721
H79

Масъул муҳаррир: З. ҲУСНИДДИНОВ

Н-М-М 4702620101 - 13
М 352 (04) - 2001 режага кўш. 2001

© К. Норматов, С. Маҳкамов,
А. Мансуров. Фафур Ғулом
номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, 2001 й.

ISBN 5-635-01951-X

КИРИШ

Маълумки, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак даражада шаклланиб, ҳаётий дунёқарашга айланишини тақозо этади. Шу боис ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни таркиб топтириш шу куннинг долзарб масалалариданdir. Бинобарин, ҳуқуқий таълим-тарбияни яхшилаш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури” қабул қилинди. Миллий дастур ҳуқуқий таълим-тарбиянинг келажакдаги истиқболли йўналишларини ўзида ифода этади. Унда ҳар бир кишининг амалий фаолиятида зарур бўлган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган ҳажмда олиш имкониятини бериш, ҳуқуқий таълим-тарбиянинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур дастурда белгиланган мақсадларни қўзлаган ҳолда “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида ишлаб чиқилган “Умумий ўрта таълим муассасалари учун ҳуқуқий таълим стандарти”да Ўзбекистонда давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиш тарихи, айниқса, мутафаккирларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашларига алоҳида ўрин берилган. Шунингдек, “Динлар тарихи” курсида ўқувчиларнинг ёшига мос ҳолда диний тушунчалар ва урфодатлар ҳақида маълумотлар бериш билан бирга динлар тарихини ўрганиш белгиланган.

Мазкур соҳада калом илми (ислом фалсафаси), фиқҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) бўйича мусулмон оламида машҳур бўлган Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурҳониддин ал-Марғинонийларнинг меросидан фойдаланиш мұхим аҳамият касб этади. Зеро, миллат тарих неъмати – меросдан фойдаланишда ёшларимиз ўз фикрини ўстиради, онги шаклланади,

ундан катта күч-кувват олади. Юрт равнақи учун жонбозлик кўрсатган илм-фан соҳибларининг фаолияти ҳар бир авлод учун йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласди. Зотан, мамлакат келажаги пойдевори бўлмиш миллий мафкура миллий қадриятларга ва ҳалқимизнинг дунёқараси ва тафаккурига суюнади.

Хозирги кунда республикамизда миллий қадриятларни ўрганиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки бой миллий қадриятларимизнинг тарихини ўрганмай туриб, уларнинг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва келажаги ҳақида фикр юритиш қийиндир.

Турли маросим ва урф-одатларимиз миллий асосга эга бўлиб, миллий маданиятни ташкил этувчи бўлаклардан биридир.

Ислом таълимотининг умуминсоний қадриятларини ўқувчилар онгига сингдириш эса, уларни Ватанимиз тараққиёти ва истиқболига зид бўлган ёт қарашлар таъсиридан сақлаш билан жамиятда инсоний фазилатларни янада камол топтиришга хизмат қиласди.

“ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИ ВА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ” ДАРСЛАРИДА БУРҲОНИДДИН АЛ-МАРФИНОНИЙ МЕРОСИНИЙ ЎРГАНИШ

8-синфда “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари” фани бўйича таълим стандарти талаблари ўқувчиларнинг Куръони Карим, Ҳадиси шариғда ҳуқуқ масалалари, Мовароуннахрда ўзига хос фикҳ мактабининг вужудга келиши, унинг ривожланиш анъаналарига доир билимларни эгаллашни кўзда тутади. Мазкур синфдаги “Ўрта Осиё мутафаккирларнинг сиёсий-ҳуқуқий қараашлари” мавзусига бағишлиланган 2 соатлик дарс жараёнida Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг бу соҳадаги буюк хизматларини ўрганиш орқали юқоридаги талабларни тўлақонли амалга ошириш мумкин.

Ўқитувчи дастлаб IX– XII асрларда Мовароуннахрда ислом маданиятининг юксак тараққиёти ҳақида қўйидагиларга тўхталиши мақсадга мувофиқдир:

Дунёвий фан олимлари билан бирга бу даврда ислом таълимоти ва мағқурасининг такомили йўлида мовароуннахрлик диний уламоларнинг хизмати катта бўлди. Зоро, Ислом дини Арабистонда вужудга келган бўлса ҳамки, у бу диёрда бирмунча равнақ топди. Юртимиз алломалари ўз дурдона асрлари билан Куръон тафсири, ҳадисшунослик, араб филологияси, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), қалом (ислом фалсафаси) илмларининг турли соҳалари тараққиётида янги даврни бошлаб бердилар.

Шундан сўнг ўқитувчи ислом ҳуқуқи – шариат ҳақида ўқувчиларга тушунча беради. Шариат қонун, қоидалар, одатлар мажмусаси сифатида асосан тўрт манбага: Куръони Карим, Сунна (ҳадислар тўплами), Ижмъ ва Қиёсга асосланади.

Шариат ибодий ва сиёсий қисмларга бўлинниб, ибодий қисми ўзгармайди, лекин сиёсий томони жамият ўзгариши ва ривожланишига мослашиб боради.

Куръон оятларининг мазмуни жуда чуқур ва кенг бўлганигидан Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламдан унинг заминидаги ҳақиқий маъноларини шарҳ ва тафсир қилиб беришни сўраб мурожаат қилганлар.

Расууллоҳ С. А. В. даврларида Қуръони Карим оятларини тафсир қилиш ва ундан ҳукм чиқаришда катта ихтилоф бўймаган. Чунки, аввало саҳобаларнинг ўзлари кўпгина соҳаларда камолот чўйқиларига эришган эдилар. Агарда ихтилоф пайдо бўлиб қолган тақдирда, Сарвари коинот томонидан мисоллар ёрдамида аниқ жавоб берилган. Демак, илк Исломда жамиятни ҳуқуқий бошқариш фақат Қуръон асосида олиб борилган. Кейинчалик вақт ўтиши билан араб халифалигига кирган мамлакатларда ҳам мусулмонларнинг ижтимоий-иктисодий, диний фаолиятларини қамраб олувчи қонунлар мажмусига эҳтиёж туғилган.

Ҳадис Қуръони Каримдан кейинги муқаддас манба ҳисобланиб, Мұхаммад алайхиссаломнинг диний ва ахлоқий кўрсатмалари, ҳикматли сўзларидан иборатдир, аниқроғи, у ёки бу масалани ҳал қилишда жаноби пайғамбарнинг тутган чоралари, ибратли ҳатти-ҳаракатлари йигиндинидир.

Ислом дунёсида энг нуфузли деб эътироф этилган 6 та ишончли ҳадислар тўплами муаллифларининг аксарияти ватандошларимиздир.

Даврлар ўтиши билан Қуръони Карим ва ҳадисларнинг тафсилот доираси ҳам тор кела бошлагач, мусулмон ҳуқуқшунослари шариат дастурига қўшимча учинчи манба – ижмоъни киригтанлар.

Ижмоъ – арабча сўз бўлиб, иттифоқ бўлиб иш кўриш дегани, яъни Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал этишда мужтаҳидларнинг (мусулмон қонуншунослари) тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши ҳисобланади.

Ижмоъ шаръий ва қонуний бўлиши учун:

– бир замондаги бир қанча мужтаҳидларнинг ҳозир бўлишлари ва уларнинг муайян масалани ҳал қилишликда ягона бир фикрда бўлишлари зарур;

– мужтаҳидлар турли шаҳарларда, ҳатто турли мамлакатларда истиқомат қиласалар ҳам, улар бир вақтда яшаган бўлишлари шарт.

Ижмоъ исломнинг асосий манбаларида аниқ жавоб бўймаган масалалар бўйича ҳамда мавжуд жавобнинг шарҳи ёки изоҳи учун ҳам қабул қилиниши мумкин.

Қуръони Каримни бир китоб шаклида жамлаш, пешин намозининг ўрнига жума намозини ўтиши, оёқ кийимларга масҳ тортишнинг жоизлиги, диний хизматчиларга маوش тайин қилиш, мадрасалар очиш, ақоид фанларини жорий этиш ва ҳоказолар ижмоъ билан жорий қилинган.

Қиёс ислом қонунчилигида шариатнинг тўртинчи манбай ҳисобланади. Қиёс олдинги ҳар уч манбада кўрилмаган ҳаётий масалалар пайдо бўлган тақдирда қўлланилади. Унинг таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат:

1. Қуръон, ҳадис, ижмоъада ўз ечимини топмаган масала.

2. Масалани ечиш учун асос бўлган ҳадис.

3. Масаланинг ҳукми. Ечилиши зарур бўлган, аммо ўз ечимини аввалги уч манбада топмаган масала ўзига ўхшашибош-ка масаланинг ечимига қиёсан ҳал қилинади.

Куръони Каримда маст қилувчи ичимликлар ҳақида шундай дейилади: “Эй имон келтирган бандалар, албатта ҳамр, қимор, Оллоҳдан бошқанинг йўлида сўйилган ҳайвон ва фол – буларнинг ҳаммаси шайтоннинг ишидан бўлган најкосатдир. Сизлар улардан узоқ бўлинглар, шояд најкот топсангизлар” (“Моида” сураси, 90-оят).

Демак, Қиёс қоидасига асосланиб, кайф берувчи ичимликлар, қимор ўйинлари ва фолнинг барча турлари, шунингдек, бошқа йўлда сўйилган ҳайвон гўштлари ҳаром ҳукмини олади. Юқоридагиларни умумлаштириб, “Усули арбаа”, яъни “Тўрт асл манба” деб ҳам юритилади.

Бундан ташқари, тўрт асосий манбага қўшимча шаръий ҳукм олинадиган манба ёки усуулар бор. Шулардан бири Раъи бўлиб, бир ҳукмни чиқаришда мужтаҳид ўзининг шахсий фикри ва раъи билан иш қўришига айтилади. Ўз вақтида ал-хулафо ар-рошидунлар, баъзи саҳобалар ва машҳур уламолар ҳам Куръони Карим таълимотларига ва Расулуллоҳнинг суннатларига зид келмаслик шарти билан ўз шахсий раъйларига асосланиб ҳукм чиқаргандар. Масалан, халифа Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху ҳунармандларга гарчи йўқолган асбобларининг йўқолганини исботловчи бирон-бир ҳужжат кўрсата олмасалар ҳам, уларга йўқолган асбоблари учун бадал ҳақ берилишига рухсат берганлар. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам замонларида асбоб йўқолгани ҳақида бирон ҳужжат кўрсатилмаса, ҳунармандга йўқолган асбоби бадалига ҳақ берилмас эди. Халифа Умар шуни ҳисобга олган эдиларки, ҳунармандлар ҳар куни одамлар учун зарур бўлган хизматларни адо этадилар ва уларнинг талабларини бажарадилар. Шунинг учун ҳам ҳунармандларга йўқолган асбоб-анжомларининг, гарчи бу ҳақда бирор ҳужжат билан исботлай олмасалар ҳам, ҳаққини беришга рухсат этганлар.

Мусулмон ҳуқуқшунослари, қозилар иш юритиш осон бўлиши учун шариат доирасида Куръон, Ҳадис (суннат), Ижмоъ, Қиёсдаги қонун ва қоидаларни алоҳида тўплам ҳолида

чоп этишган. Чунки, шариат жуда кенг бўлиб, у ўзида ҳуқуқий, ахлоқий, диний мезонларни мужассамлаштирган бўлса, фиқҳ эса ундан торроқ, кўп жиҳатдан қозилар, ҳуқуқшунослар учун масалаларни қонуний ҳал қилишда зарур бўлган қоидалар йиғиндишидир.

Фиқҳ билан шугулланиш мashaққатли ижодий жараён бўлиб, бу ишни ислом таълимотини чуқур ўзлаштирган имомлар ва йирик фуқаҳоларгина (фиқҳ олимлари) такомилига етказганлар. Пировард натижада фиқҳ тўрт имомнинг номи билан боғлиқ диний-ҳуқуқий мактабни (мазҳабни) вужудга келтириди:

1. Ханафий (Имом Аъзам) мазҳаби;
2. Моликий мазҳаби;
3. Шофий мазҳаби;
4. Ҳанбалий мазҳаби.

Шуни таъкидлаш лозимки, ана шу тўрт мазҳаб ўртасида унча катта фарқлар йўқ.

Имом Аъзам мазҳаби ҳуқуқий масалаларда Раъй ва Қиёсни кенг жорий этиш ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериш билан ажralиб туради.

Маълумки, Қуръони Каримда динга эътиқод қилишда мўътадил, яъни ўртача йўл тутишга борувчи кўплаб кўрсатмалар бор. Масалан, сураи “Бақара”нинг 286-оятида: “Оллоҳ таоло ҳеч бир шахсга қўлидан келмайдиган ишни буюрмайди”, дейилади.

Қадимий динларга қараганда, Ислом дини ўзининг оламий хусусиятига эга ўлароқ, дин асосларини мўътадиллик, осонлик ва ўртаҳоллик негизига қўйди. Исломда динни зўравонлик билан тарғибот қилишга ўрин қолмади, балки кишиларнинг эътиқод ва шахсий қаноатланиши асосий ўринни эгаллай бошлади.

Бошқа дин вакилларига нисбатан яхши муомала ўрнатиш ва уларга диний озодликнинг таъминланиши ўрта асрдаёқ ҳалқларнинг Исломга нисбатан ҳурматини оширди.

Қаттиққўллик билан Ислом динини тарқатувчи гурухлардан бўлган ҳанбалийлардан мусулмонлар йироқлаша бошладилар ва нисбатан осон диний мазҳабларини ихтиёр қилдилар. Исломда Имом Аъзам мазҳаби айниқса осон бўлгани учун, у ер юзида кенг тарқалди. (Жами сунний мусулмонларнинг 47 фойизини ташкил қиласди.)

Масалан, ҳанбалийлар беш вақт намозни ўқий олмаган кишиларни кофир деб эълон қилиб, унга жаноза ўқишини ман қилсалар, Имом Аъзам мазҳаби мусулмон киши гуноҳ ишларга қўл урса, ибодатларни тарқ этган бўлса ҳам умрида бир

марта номоз ўқиса, у мусулмон ҳисобланади, деди. Ҳанафий-лик ўз тарихий тараққиетининг барча босқичларида мусулмонларнинг ҳамжиҳатлиги, ўзаро иноқлиги ва бирлигини тъминлаш учун курашиб келган.

Суннийликдаги тўрт мазҳаб X асрда шаклланиб бўлгач, шариат масалаларида мустақил фикр юритиш, яъни ижтиҳод ҳаракати сусайди. Мазкур йўналишда фақат олдинги илоҳиётчиларга тақлид қилиш жараёни бошланди. Аммо, диёримиз уламолари имконият даражада ўз фаолиятларини давом эттиридилар. Бунга Бурҳониддин ал-Марғиноний (1123–1197) ва унинг машҳур “Ал-Ҳидоя” асари далил бўлади. Шуни эътироф этиш керакки, ислом кишиси диний ахлоқ, эътиқод, фикр илмларидан етарли даражада воқиф бўлиши шарт ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи шариат аҳкомларидан энг зарурлари бўлмиш фарзи айн, фарзи кифоя, вожиб, суннат, мубоҳ, макруҳ, ҳаром, мандуб каби ахлоқий-хуқуқий нормалар ҳақида тубандаги тушунчаларни бериши лозим:

Фарз – қатъий далиллар билан исбот қилинган ва бажарилиши ҳар бир мусулмон томонидан зарур бўлган ҳукмдир. У икки хил бўлади. Фарзи айн (ҳар бир мусулмоннинг айнан ўзи бажариши лозим бўлган амалдир. Намоз ва рўза қабилар шулас жумласидандир) ва фарзи кифоя – кўпчилик мусулмонлар номидан бир неча киши адо этса, қолганларининг зиммасидан фарзлик соқит бўладиган амаллардир. (Масалан, жаноза намози.)

Вожиб – қатъий далиллар билан исботланганлигига гумон қилинган, аммо ҳар бир мусулмон тарафидан бажарилиши зарур бўлган амалдир. Вожиб – даража жиҳатидан фарз амалларига яқиндир.

Суннат – пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёт даврларида бажарган ишлари, айтган сўзлари ва буюрган фармойишлари асосида мусулмонларга одат қилинган амаллардир. У икки хил бўлади: суннати муаккада ва суннати зойида.

Суннати муаккада – Сарвари олам мунтазам бажарган, суннати зойида эса, гоҳо бажариб, гоҳо тарқ этган амаллардир. Беш вақт ўқиладиган суннат намозлари суннати муаккада бўлган амаллар сирасига кириб, уни бажармаганлар гуноҳкор бўлурлар. Аммо суннати зойида амалларини бажарганлар савоб оладилар, бажармаганлар эса, гуноҳкор бўлмайдилар. Нафл намозлари ана шулас жумласига киради.

Мубоҳ қилиш ҳам, қилмаслик ҳам шаръян жоиз бўлган амалдир. Уни бажариш билан савоб бўлмайди ва аксинча, бажармаслик билан гуноҳ бўлмайди. Лаззатли таом ейиш ва

чиройли кийимлар кийиш мубоҳ бўлган амаллар жумласига киради.

Макруҳ — кўпчилик одамлар наздида мақбул ҳисобланмайдиган амалдир. Уни қилган таъна ва маломатга қолади, аммо қилмаган эса савоб олади. Жамоат олдида чекиш, атрофга туфлаш ва ҳоказолар Ислом шариати назарида макруҳ амаллардан ҳисобланади.

Ҳаром — қатъий ва шубҳасиз далиллар асосида бандаларга қилиниши мутлақо ман этилган амалдир. Ҳаром ишни қилгандар қаттиқ гуноҳкор бўладилар. Уни тарк этганлар эса ажру савобга мушарраф бўладилар. Ноҳақ одам ўлдириш, ўғрилик, маст қиладиган нарсаларни истеъмол қилиш, зино ва фоҳишабозлик каби қабиҳ ишлар ҳаромдир.

Мандуб — бажарилиши шарт бўлмаган, бироқ бажо келтириш тавсия қилинадиган, бажарса савобга эга бўлинадиган, бажармаса гуноҳ ёзилмайдиган амаллардир.

Умуман, шариат назарида ҳар бир мусулмон кишиси юқорида таъкидланган эътиқод илмидан, яъни Оллоҳ ва унинг расулига бўлган ишонч ва ақидасини сақлай оладиган, фикҳ илмидан эса, ўз ибодатларини тўғри ўташ ҳамда ўзининг оила ва дўстлари ўргасидаги ҳуқуқи ва бурчини аниқлаб олиш учун етарли бўлган маълумотга эга бўлиши фарз ҳисобланади.

Машҳур ислом дарсликларида асосий фарзлардан қирқтаси алоҳида уқтириб ўтилган:

Ислом — беш фарзни бажариш билан барпо бўлади: иймон, намоз, рўза, закот, ҳаж.

Иймон ети фарзни ўз ичига олади: Оллоҳга, фариштларга, самовий китоблар ва пайғамбарларга, қиёмат кунига, қайта тирилиш ва тақдирга ишониш.

Намозда ўн икки фарз бўлиб, улардан олтитаси намоздан ташқарида бўлиб, улар намоз шартлари ҳам дейилади: Таҳорат, таҳорат учун тоза сув, покиза жой, тоза либос, намозни ўз вақтида ўқиши, қиблага юзланиш, ният қилиш. Олтитаси намоз ичида, улар намоз асослари деб аталади: Оллоҳу акбар тақбири билан намозни бошлаш (тақбири таҳрима), қиён (тик туриш), қироат (намозда Куръон ўқиши), рукуъ, сажда ва қаъда (охирги ўтириш).

Фуслда 3 фарз бор: Оғизга сув олиб томокни чайиш, бурунга сув олиб тозалаш, бутун баданга сув етказиш.

Таҳоратда 4 фарз бор: Юзни ювиш, қўлларни чиганоги билан қўшиб ювиш, бошга масҳ тортиш, оёқларни ошиги билан ювиш.

Таяммумда ҳам 4 фарз бор: Ният құлмоқ, тоза тупроқни қасад құлмоқ, үзға суриш учун иккала құлини тупроққа урмоқ, чиганоги билан құшиб иккала құлига суркаш учун яна бир марта тупроққа урмоқ.

Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима зиммасидаги әнг зарур фарз. Амри маъруфда мусулмонлар бир-бирларини ҳақ йүлга, яхшилик ва гүзәл ахлоққа үндаши фарз қилинган. Чунки, дўстона, бегараз насиҳат, хусусан, ўзи амалда ўрнак бўлган ҳолда бошқаларни тарбиялаш жуда катта таъсирга эга.

Наҳимункар –бошқаларни нотўғри йўлдан, ёмонликдан қайтариш фарздир.

Эркак киши оиласи ва рўзгорини бошқариш учун ҳалол меҳнат қилиши фарз. Қуръони Каримда ҳар бир мусулмон бошқалар устига юқ бўлмасдан, ўз ризқи учун ва оиласи нафақаси учун ҳалол ишлашга буюрилган.

Овқатланишда икки иш фарз:

1. Овқатни ҳалол йўл билан топиш, ўғрилик, товламачилик, порахўрлик, қимор ва хиёнат йўли билан топилган бойлик ҳаром ҳисобланади.

2. Шариат ҳалол деб белгилаган нарсалар билан овқатлашиш.

Ўқитувчи ислом шариатининг юқоридаги тегишли ҳуқуқий-ахлоқий нормалари ҳақида маълумот бергач, буюк олим Бурҳониддин ал-Марғиноний ва унинг машҳур “Ал-Ҳидоя” асари билан таништиради.

Буюк олим Али ибн Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиноний 1123 йил 23 сентябрда туғилган. Ул зот Қуръонни, Ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фикҳ – ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур билимга эга бўлганлиги ва бу соҳада бекиёс дурдоналар яратганлиги туфайли, Бурҳон уд-дин ва-л-милла (Ислом динининг далили) ва Бурҳониддин ал-Марғиноний номлари билан машҳурдир. У дастлабки таълимни Марғилонда олиб, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб борган ва умрининг охиригача ўша ерда яшаган.

У балоғат ёшига етганда мукаммал илмга эга бўлганлигига қарамай, устозларидан таълим олишни давом эттириб, 1149 ийли ҳаж сафарига борган.

“Шайхлар ҳақида китоб” асарида у ўзи таълим олган 40 дан ортиқ шайх ва алломани санаб ўтган.

Бурҳониддин ал-Марғиноний ислом динидаги суннийларнинг тўрт мазҳаби асосчиларининг асарларини ўрганиш би-

лан бирга ўзи ҳам фикқхга оид бир қатор асарлар яратган. (Бизгача унинг ўнга яқин асари етиб келган.) Унинг бутун ислом оламида машҳур бўлган “Ал-Ҳидоя” асари 1178 йили Самарқандда ёзилган.

Ханафия мазҳабининг фикқх масалаларида асосий қўлланмага айланган бу асар кейинчалик бутун мусулмон оламида машҳур бўлиб кетди ва мусулмон ҳуқуқи – фикқх бўйича энг аниқ, изчил, мукаммал асар сифатида тан олинди.

Мазкур асарни ёзишда у энг ҳаётий ва зарурий ривоятларни танлаб олиб, уларнинг тўғрилигини ақлий далиллар билан исботлаб, нақлий далиллар билан мустаҳкамлаш орқали мумтоз асарлар матни ва мазмунига чуқур кириб борган. Албатта, уларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб олиш катта меҳнат ва изчил ишлашни талаб қилган. Ундаги ҳуқуқий масалалар ечими йирик фикқх олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътиrozлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Бино-барин, ушбу муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалаларда энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнан ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шарҳи ҳам асослаб келтирилади.

Хуллас, ўқитувчи ўқувчиларга ул зот “Ал-Ҳидоя”ни ўзига хос услубда, яъни фикқий ҳукмларни ифодаловчи жумлаларининг ҳар бирини алоҳида ўзига хос шаклда, иборалари қисқа, сермазмун, сўзлар таркибини эса пухта, нуқсонсиз қилиб ёзганлигини уқтиради. Шунингдек, 1994 йилда А. Х. Саидов изоҳи билан нашр қилинган “Ал-Ҳидоя”нинг 1-китоби мазмуни билан ўқувчиларни таништиради. Асар тўрт жилдан иборат бўлиб, ҳар бири муайян муаммоларга бағишланган.

Биринчи жилди: ибодат масалаларидан таҳорат, намоз, рўза, закот ва ҳажга;

Иккинчи жилди: оила ҳуқуқи, қуллар муаммолари, шерикчилик ва вақф мулки каби масалаларга;

Учинчи жилди: олди-сотди, пул муаммолари, кафолат, қозиларнинг вазифалари, гувоҳлик, берилган гувоҳликдан қайтиш, ваколат, даъво, иқрор бўлиш, сулҳ, бир ишда пул билан шерик бўлиш, пулни сақлашга бериш, қарз бериш, совға, ижара, муайян шарт асосида чекланган озодлик берилган қуллар, валийлик, мажбур қилиш, ҳомийлик, босқинчилик хусусидаги масалаларга;

Тұртинги жилди: шафөйлик, мерос тақсимлаш, деңқончилик ва боғдорчылық хусусида шартнома, қурбонлик қилиш ҳақида, шариатта зид ёмон нарасалар ҳақида, ташландық ва құриқ ерларни ўзлаштириш хусусида, ичимликлар ҳақида, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар хусусида, хүн ҳақи тұлаш, васият каби масалаларга бағищланған.

Үқитувчи үқувчиларға асарнинг асосий мазмунини ва тегишли жойларини шархлаб таниширигач, унинг илмий-тарихий ақамияти устида тұхталади.

Бой тарихий тажрибани ўзида мужассамлаштирган ушбу шариат ҳуқуқлари асрлар давомида кишилар ўртасидаги мұносабатларда инсонпарварлық, адолат барқарор бўлишида катта ақамият касб этди. Бу қоidalар ҳозирги кунда ҳам инсонларда яхши хислатлар шаклланишига ижобий таъсир кўрсатадиганини келтириш ўринлидир. Жумладан, унда тижорат ишларida адолат, тўғрилик, ҳалоллик, инсонпарварлық қоidalарига риоя қилиш ниҳоятда зарур экани қайд қилинади. Бу ишда бироннинг ҳақига хиёнат қилиш, кишиларни алдаш гуноҳи азим сифатида таърифланади.

“Ал-Ҳидоя” энг мўтабар ҳуқуқий қўлланма сифатида саккиз асрдан бўён, бутун ислом дунёси мамлакатлари, айниқса, Ҳинд ярим ороли, Туркия ва Араб мамлакатлари учун, энг ишонарли манбалардан бири вазифасини ўтаб келмоқда.

У Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, 1917 йилда советлар тузуми ўрнатилганидан кейин ҳам то 30-йилларгача шариат қозилари бекор қилиниб, совет суд тизими жорий қилингунча амалда бўлиб келди. “Ал-Ҳидоя” кўпгина Шарқ мамлакатлари мадрасаларида үқитилади. Асар форс, инглиз, рус ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Умуман, бу китоб мусулмон дунёсида шариат ҳукмлари заминида юксак маънавий-инсоний фазилатларни шакллашишида мухим омил бўлиб хизмат этди ва этмоқда.

“ДУНЁ ДИНЛАРИ ТАРИХИ” ДАРСЛАРИДА АБУ МАНСУР АЛ-МОТУРИДИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ

Үқитувчи 9-синфда “Дунё динлари тарихи”дан “Исломдаги асосий оқимлар, Марказий Осиёда тасаввуф ва тарикат” номли 2 соатта мўлжалланған дарс ҳамда калом илмининг асосчиларидан ҳисобланған Абу Мансур ал-Мотуридий

мероси билан ўқувчиларни таништириш учун кенг ёритиш имкониятига эга.

Маълумки, ислом динининг бир тармоғи ҳисобланган қалом илми Мовароуннахрда юксак даражада ривожланган илмлардан биридир.

Дастлаб ўқитувчи ўқувчиларга қалом илми ва мактаби ҳақида тушунча бериши лозим.

Қалом илми ўрга асрларда фалсафий-диний фикрларни, диннинг назарий асосларини ўрганиш, ислом ақидаларига оид масалаларни таҳлил этиш жараёнида вужудга келган маҳсус билимлар тизими мажмуидир.

Қалом ёки илмул қалом атамаси кенг маънода ўрга асрлар мусулмон адабиётида диний-фалсафий мавзуларда эркин фикр юритишиларга нисбатан қўлланилган, тор маънода эса, яъни динда фақат обрў-эътиборли ҳисобланган шахслар (пайғамбар, саҳобалар)га тақлид йўли билан эмас, балки Куръон ва Сунна таълимотини ақл-идрокка ҳам мос талқин этиш, тафаккурга суюниб иш юритишига нисбатан ишлатилган. Қалом илми вакиллари мутакаллимлар, деб аталган.

Қалом дастлаб исломда мавжуд бўлган турли сиёсий-диний, илоҳиёт оқимлари (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржиъийлар)нинг ўзаро мунозаралари ва бошқа дин (маздакийлар, насронийлик) вакиллари билан баҳслашишлари жараёнида шаклланди.

(Шу ўринда ўқувчиларга юқорида кўрсатилган исломдаги оқимлар ҳақида маълумотлар бериш даркор.)

Ушбу мунозара, баҳслашишларнинг натижасини Куръони Карим тафсири ва уламоларнинг у ёки бу соҳада қилган амаллари талқини ташкил қилиши керак. Шулар асосида қалом илмининг дастлабки белгилари вужудга келди ва исломнинг назарий-хукуқий томонлари кейинги асрларда шаклдана бошлади. Чунки бу дин ўрга асрларда ўз атрофига араблардан бошқа халқларни ҳам бирлаштирган бўлиб, уларнинг ҳам манфаатларини ҳисобга олади.

VIII аср охиригача Мовароуннахрда давом этган мутакаллимларнинг мунозара ва тортишувларига исломдан аввалги илоҳиёт илмлари ҳам сабаб бўлган. Ушбу илоҳиёт соҳасидаги фикрларни тартибга солиш асосида IX асрда Самарқандда қалом мактаби вужудга келди. Унга кейинчалик Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий номи берилди.

Мотуридий оқимининг асосчиси ватандошимиз Абу Мансур ал-Мотуридий асли Самарқанднинг Мотурид қишлоғида

(ҳозирги Жомбой туманида) туғилган бўлиб, (944 йилда вафот этган) унинг барча устозлари машҳур олим Имом Аъзам талабаларидан таҳсил олганлар.

Бу калом таълимоти кенг тарқалиб, ислом динидаги суннйларнинг икки йирик мактаби – (оқими) Ашъарий ва Мотуридий вужудга келди. Булардан бири – Басра шаҳрида яшаган Ашъарий (вафоти 942 йил) фикҳ ва калом илмларида машҳур олимлардан ҳисобланган.

Абу Мансур ал-Мотуридий ҳамда Абул Ҳасан ал-Ашъарий эски динлар қолдиқларини батамом туттиши ва ислом дини мағкурасини яратишда жуда катта хизмат қилганлар.

Улар биргаликда Ҳанафий мазҳабини илмий ишлаб чиқишида иштирок қилдилар. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг таълимоти мусулмон дунёсига, айниқса, Туркия ва Ҳиндистонга кенг тарқалган.

Улуг зотнинг “Китабул усул”, “Таъвилот аҳл ас-сунна”, “Китоб таъвилотул Қуръон”, “Китоб ат-тавҳид”, “Китобул-мақомот”, “Ақида” каби асарлари ақида фанининг энг муҳим манбаларига айланган.

Улуг аллома “Таъвилот аҳл ас-сунна” номли тафсирида илми калом уламолари йўлидан бориб, Қуръони Карим оятларини “Аҳл ас-сунна ва-л-жамоа” таълимоти асосида тафсир қилган.

Алломанинг “Китоб ат-тавҳид” асарида турли фирмә ва гуруҳларга қаратса айтилган қуйидаги сўзлари диққатга сазовордир: “Улар тафаккур ва тадқиқ билан қарасалар эди, Оллоҳ таоло ҳам бандаларини тафаккур ва тадқиқотга, ибрат ва тажриба билан ишлашга буорганини тушунар эдилар, ибрат ва тафаккур эса илмнинг манбаларидан биридир”

МОТУРИДИЯ АҚИДАСИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Юқорида зикр этганимиздек, мотуридия ақидасига доир масалаларни Шайх Мотуридийнинг якка ўзи тушиб, тартибга колган эмас, балки, ул зотга қадар ҳам Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаси шаклланиб улгурган эди. Мотуридий ҳазратларининг хизматлари шундан иборат бўлганки, ўша даврдаги ақидавий оқимларнинг таъсирини қирқиши, уларнинг иддаоларига раддия бериш, кучли ва асосли далиллар билан ҳақиқий ислом ақидасини ҳимоя қилиш, илми калом, мантиқ ва мунозара қоидаларига риоя қилган ҳолда хасмлар жаҳолатига илму маърифат билан жавоб қайтариб, чин ихлосли мусул-

монлар учун ақидага доир мұхим құлланмалар тайёрлаб берішни ният қылған әдилар.

Маълумки, Аҳли Сунна вал-Жамоа ақидаси ўша даврларда уcta буюк шахс томонидан ҳимоя қилинған ва асосий руқнлари ишлаб чиққиби, шогирдлари ва китоблари орқали мусулмонларга тақдим этилған әди. Улардан биринчиси – Абул Ҳасан Ашъарий (260-331 ҳ.) Бағдодда, иккинчиси – Абу Жаъфар Таҳовий Мисрда ва Абу Мансур Мотуридий Мовароуннахрда сунний ақиданиң ҳимоячилари сифатида ислом тарихида чуқур из қолдирдилар.

Биз – мотуриидилар учун яхши билиб, доимо назарда тутиб юриш зарур бўлган бир неча мұхим масалалар бор. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Мотуридия ақидаси билан Ашъария ақидаси ўртасида бир неча масалаларда қарама-қаршиликлар бор. Уларни баъзи олимлар 15 та, бошқалари 40 та, ҳатто 50 тагача санаб етказганлар. Улардан асосийлари – Аллоҳнинг сифатларини зотий ва феълий турларга бўлиш, сифатлари айни зотми ёки файри зотлиги, Мусо (а.с.) Аллоҳнинг қаломини бевосита эшигтанми ёки билвоситами, ирода билан ризо бирми ёки тафовутлими, Аллоҳни кўриш жоизлигига Ашъарий ақлий далил келтирган, Мотуридий нақлий, қабеҳ ишнинг содир этилиши бандаданми ёки у ҳам Аллоҳданми – бунга Мотуридий ҳусну қубҳ ҳаммаси Аллоҳдан, фақат беҳикмат эмас, дейдилар. Инсон ўз тоқатидан ташқари ишга таклиф этилиши мумкин, деб Ашъарий, мумкин эмас, деб Мотуридий айтадилар. Шунингдек, Аллоҳни ақл билан таниш вожибми ёки нақл биланми деган масалада Мотуридий ақл билан деганлар. Иймон билан ислом бир нарса экани, баҳт-ли ва баҳтсиз инсонлар охир-оқибатда ўзгариб-алмашиб қолишлари мумкинлиги, қилинадиган яхши-ёмон амаллар банданинг касби ва Аллоҳнинг яратиши билан ҳосил бўлиши, муқаллидинг имони мақбул экани, имоннинг ўзи эмас, балки, унинг нури, қуввати ортиб ёки камайиб туриши, имоннинг руқнлари иккита, яъни, иқрор ва тасдиқдан иборат экани, амаллар имон таркибиға кирмаслиги, балки, савоблар ва гуноҳлар алоҳида ҳисобга олиниши каби масалаларда Имом Ашъарий бизнинг мотуридия ақидамизнинг хилофини тақрир этганлар.


2. Мотуридиянинг мұйтазила ақидасидан фарқлари.

Аввало, билмоқ керакким, диний фанлар қаторига калом илмининг киришига асосий сабаб шу мұйтазила тоифа-


сининг ақлий мунозаралари ва қаршиликлари бўлган. Улар ашъария ёки мотуридия каби ақлни нақлий далиллардан кейинга эмас, балки, биринчи ўринга қўйгандар. Ақл ва фикрни асосий манба қилиб олиб, унга тўғри келмаса, ҳатто оят ва ҳадисларни инобатга олмай, балки, нусусни ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам Шайх Мотуридий ҳазратлари бошқа оқимларга қараганда кўпроқ мўтазила фирқасининг фикрларига қарши раддиялар билан чиққанлар. Уларнинг ақлий ва фикрий далилларини рад қилиш учун калом илми билан шуғулланишга тўғри келган ва шу услугуб билан Ахли Сунна ақидасини ҳимоя қилиш буюк ҳамюргимизга муяссар бўлган.

Мўтазила фирқаларининг мотуридия ақидасига зид қараашлари асосан қўйидаги нуқталарда ўз аксини топади. Улар айтадилар:

1. Аллоҳнинг исм ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас. Аллоҳнинг исми билан сифатлари бир нарса.
2. Аллоҳни бу дунёда ҳам, охиратда ҳам кўриш мумкин эмас.
3. Банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасига вожиб.
4. Банданинг қудрати ва тоқати Аллоҳга боғлиқ эмас. Феълларни банданинг ўзи яратади.
5. Қатл этилган киши ажалидан олдин ўлган бўлур.
6. Ҳалол – ризқ, лекин ҳаром – ризқ эмас.
7. Аллоҳнинг иродаси ҳодисидир, қадим эмас.
8. Аллоҳ фақат яхшиликни ирода қилур. Ёмонлик Унинг иродасидан ташқаридир.
9. Амаллар имоннинг таркибиغا кирур. Балки, амал имоннинг асосий руқнидир.
10. Имон озайиб, кўпайиб турувчи нарсадир.
11. Гуноҳи кабира қилган мусулмон имон билан куфр ўртасида қолур.
12. Кабира эгалари дўзахда абадий қолурлар.
13. Шафоат фақат яхши одамларга нисбатан қилинур. Гуноҳкорларни ҳеч ким шафоат этмас.
14. Жаннат билан дўзах ҳануз яратилмаган.
15. Қабрдаги азоб ёкироҳат, қиёмат тарозуси. Пулсиrot, Ҳавзи Кавсар кабиларнинг ҳаммаси йўқ нарса.
16. Авлиёларда ҳеч қандай каромат бўлмайди.
17. Муқаллид (бошқаларга тақлидан мусулмонман деб юрувчи одам)нинг имони қабул қилинмайди.



17



Зикр этилган нуқталардан кўриниб турибдики, мўътази-ла фирқаси бизнинг мотуридия ақидамизга хилоф равища алоҳида назарияга асос солган. Нозик ва қалтис жойи шу ердаки, мазкур 17-бандда айтиб ўтилган нарсаларда анчамунча ақлли, зиёли кишилар ҳам, ҳатто уламолар ҳам чалғиб кетишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ўзимизнинг сунний, ҳанафий, мотуридия ақидамизга оид китобларни кўп мутолаа қилиш ва дилга жо этиш энг зарур ишлардан-дир.

3. Сунний-ҳанафий мусулмонлар яна шуни яхши билиб олишлари керакки, ҳанафий мазҳабимизга ҳасад қилганила-ридек, мотуридия ақидамизга ҳам ҳасал кўзи билан қарашиб, унинг шаънига туҳмат-бўғтон ёғдириш жараёни ҳали-ҳануз тўхтаган эмас. Ақида фанига доир ёзиг келинаётган асарларни мутолаа қилиб кўрсангиз, бунинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, араб дунёсида нашр қилинаётган асарларнинг деярли 90 фоизида мотуридия ақидасини бузиг кўрсатишлар, ҳатто уни Аҳли Сунна жамоатига қўшмаган ҳолда зикр қилишлар, ашъария ақидасининг эса, камчиликларини мутлақо кўрсатмаслик, балки, уни ягона тўғри ақида деб талқин қилишлар учраб турибди. Бунга мисол қилиб Риёзли араб ёзувчиси Аҳмад ибн Авазуллоҳ ибн Доҳил ал-Луҳай-бийнинг “Ал-Мотуридия диросатан ва тақвиман” номли китоби, доктор Маҳмуд Қосимнинг “Муқаддимат Ибнир-Рушд” китоби, Ваҳидуддинхон, Абдулҳалим Қунбус, Фатҳий Якун Абдулжаббор (“ал-Муғний” муаллифи) каби ёзувчиларнинг асарлари, “Шарҳул-усулил-хамса” китоби ва бошқаларни келтириш мумкин.

Лекин, ўзлари араб ёки гарб ёзувчилари бўла туриб, мотуридия ҳақида инсоф билан ҳақиқатни ёзган олимлар ҳам мавжудлиги кишини кувонтиради. Бунга Шайх Мотуридий ва унинг илми каломга оид фикрлари тўғрисида каттагина бир китоб ёзган араб олими, доктор Али Абдулфаттоҳ ал-Мағрибийни, Абу Мансур қаламига мансуб “Китоб ат-тавҳид” китобини таҳқиқ этиб, нашрга тайёрлаган олим, доктор Фатҳуллоҳ Хулайф ва немис олими Рудольф Ульрихни мисол қилиб келтирса бўлади. Улар Шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг меросини холисона баҳолаганлар.

Ҳа, “куч – билим ва тафаккурда” экани шубҳасиздир.

Ўқитувчи машғулот жараёнида Шарқ ҳалқлари тафаккури тарихида муайян аҳамиятга эга бўлган ислом динидаги тасаввуф, яъни сўфийлик таълимоти ҳақида ҳам ўқувчиларга маълумот бериши муҳимдир.

Мазқур таълимот билан ўқувчилар 7-синфда “Ўзбекистон тарихи” дарсларида қисман танишганлар. Вазифа уни чуқуроқ ёритиб, ўқувчиларнинг бу соҳадаги билимларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Куръони Карим ва ҳадис аҳкомига мос равишда пайдо бўлган тасаввуфий таълимотлар VIII – IX асрларда араб дунёсида вужудга келиб, X – XI асрларда Мовароуннаҳр тупроғига етиб келди ва сўфий шоирларнинг содда, жонли халқ тилидаги асарлари орқали омма ўргасида янада кенг тарқалди.

Ушбу таълимотда инсон зоти шариф даражасида улуғланиб, инсониятни маърифатга, инсоф ва адолатга ундаш, кишилик жамиятини поклаш, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш тарғиб қилингандиги уқтирилади. Шунингдек, ундаги Ватан нима, яшашдан мақсад нима, эътиқод нима, меҳроқибатлилик нима каби муаммолар тасаввуфнинг фалсафий ўзагини ташкил этади.

Шундан кейин ўқитувчи ҳар бир таълимот, дунёқараш маълум мақсад, вазифаларни кўзлашини, тасаввуф таълимоти ҳам ислом дини асослари билан боғлиқ мақсадларни ўз олдига қўйишини айтиб, унинг мақсади ҳақида фикр билдиради.

Нафс, ҳирс, бойлик, барча ёмон хислатларга қарши кураш тасаввуфнинг мағзи ҳисобланади.

Тасаввуфнинг мақсади инсон ва унинг камолоти бўлиб, кишини руҳий ва маънавий жиҳатдан поклаш билан комил инсонни тарбиялашдир.

Педагог сұхбатни давом эттириб:

– **Кимни комил инсон дейиш мумкин?** – деб савол ташлайди ва ўқувчиларнинг жавоблари таҳлил қилингач, умумлаштирилиб, шундай хулоса чиқарилади: юксак онгли ва маънавиятли, мустақил фикрлай оладиган, ҳар томонлама баркамол бўлган шахс маърифатли ва руҳий покланган инсонни комил инсон дейиш мумкин.

Хўш, қандай қилиб руҳни поклаш мумкин? – деб мантиқий саволлар бериш давом эттирилади. Ўқувчилар жавоблари тинглангач, унинг йўли нафсни енгишдан иборат эканлиги айтилади. Синфга муаммоли савол ташланади: **Нафс нима?**

Шуни эътироф этиш керакки, ўқувчиларнинг аксарияти нафс деганда емоқ, ичмоқ, киймоқлик деб биладилар.

Нафс деганда ўқитувчи юқорида таъкидлангандан ташқари, жоҳиллик, илмсизлик, манманлик, кибру ҳаво, дунёпарастлик, зулм, ўғрилик, тамагирлик, порахўрлик, ҳасад, баҳиллик, мансабпарастлик, шаҳват, ғазаб, ҳасислик ва

бошқа инсон шаънини булғайдиган иллатларни тушунтиради.

Марқазий Осиёдаги илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Аҳмад Яссавий қатор ҳикматларида нафсга золим сифатини берган: “Золим нафсим ҳеч қўймайин ўтқа солди” Ҳақни танимаслик, бегамлик, такаббурлик, гийбат ва бўхтон сўзлардан тилни тиймаслик, шайтонсифатлик, нодонлик – буларнинг барчаси Яссавий талқинида золим нафснинг қўлмишлиаридаидир.

“Хўш, нафсни енгиш, унинг бошини янчишнинг чораси борми?” саволига жавоблар тинглангач, уни ишқ орқали енгиш мумкинлиги ва ишқ деганда нимани тушунишлари сўралади. Аксарият ўқувчилар ишқни икки жинс ўртасидаги севги, одамлар орасидаги меҳр, муҳаббат ҳарзида идрок этадилар. Булар маълум даражада тўғрилиги, аммо тасаввуфда ишқ деганда инсон қалбини поклашга хизмат қиласидиган, уни Оллоҳга яқинлаштирадиган барча эзгуликлар йиғиндиси эканлиги таъкидланади.

Сўнгра ўқувчилар дикқати тасаввуфда бу икки бир-бирига қарама-қарши куч бўлган нафс ва ишқ инсоннинг ўз ички оламида доимо курашда эканлиги айтилади. Агар инсон ўз нафсига тобе бўлиб, эзгуликдан узоқлашса, руҳи ифлосланади, ўзи эса тубанлашади.

Инсон ишқ билан, яъни яхшилик, адолат билан иш кўрса, имони камол топади. Масалан, кимdir билибми, билмайми, сизнинг фазабингизни келтирди, дейлик. Сиз ғазаб отига мениб, унинг дилини оғритадиган жавоб айтсангиз, демак, нафсга тобе бўлдингиз. Бунинг аксини қилиб фазабингизни жиловлавлаб, сабр қилсангиз, билингки, ишқ билан иш кўрдингиз. Шу ерда ўқувчиларга ислом наздида сабр бир неча хил бўлиши айтилади: 1. Ибодатни адо этиш – сабр. 2. Ҳавои нафс хоҳлаб турган гуноҳларни қиласмаслик –сабр. 3. Бало-офтатлар ва мусибатларга таслим бўлмаслик –сабр. 4. Фожеа воқеъ бўлган пайтдаги, биринчи зарба вақтидаги сабр.

Демак, сабр барча фазилатларнинг асосидир. Маънавият юқсаклиги қалб, руҳ поклиги билан ўлчанади ва унга эришган инсон ўзининг ҳақиқий Ўзлигини англаб етади.

Шундан сўнг ўртага ушбу савол ташланади: **“Инсоннинг ўзлиги ёки “менинг ўзим” деганда нимани тушунасиз?**

Ўқувчиларнинг жавоблари таҳлил қилингач, ўқитувчи тасаввуфдаги ўзлик тушунчасини куйидагича баён қиласиди:

Тасаввуф таълимоти инсонни худди бир доирадек яхлит бир тизим, бир бутун борлиқ, деб тушунтиради. Яхлитлик

иичида инсонда икки ўзлик бор: биринчиси – жисмоний ўзлик, яъни бадан, жисм. Иккинчиси – руҳий ўзлик (руҳ)-дир. Аксарият кишиларнинг ўз жисмини “менинг ўзлигим” деб тушуниши хато. Жисмоний ва руҳий ўзликларнинг биррикувидан инсоннинг бу дунёдаги тириклик умри кечади. Жисмоний ўзлик тупроқдан яралган бўлиб, у ўткинчидир. Руҳий ўзлик илоҳий маконда яратилган ҳамда бу дунёга имтиҳон ва пок-ланиш учун юборилган. У нафс орқали имтиҳон қилинади, ишқ орқали покланади. Одам ўлганидан кейин жисм ўзининг яралиш жойи тупроққа қайтади. Аммо руҳ ўзининг илоҳий маконига қайтиши учун покланиши зарур.

Шунинг учун ҳам тасаввуф инсон руҳини, қалбини поклашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўяди. Покланишга эришган инсон айни пайтда юксак ахлоқ, бетимсол одоб соҳибига айланади. Шу сабабли, тасаввуф таълимотининг кўпгина намояндалари “Тасаввуф – бу ахлоқ ва одоб” деб айтишган.

Умуман, мазкур дарслардан олинган маълумотлар 9-синф адабиёт дарсларида тасаввуф адабиёти намояндалари ижодини ўрганилаётганда ўқувчиларнинг мавзуни чукурроқ идрок этишларига ва олинган билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Хулоса қилиб, мусулмон оламида кенг тарқалган буюк таълимот – тасаввуф жамият маънавий ҳаётини ривожланишида муҳим аҳамият касб этганлиги, бу ерда яссавия, кубравия, нақшбандия каби тасаввуф тариқатлари шаклланиб, улар орқали инсоният ислом динининг буюк инсонпарварлик моҳиятини англаб етгани таъкидланади. Айниқса, Нақшбандия таълимоти асосида ҳалқ оғирини енгил қилиш, ҳалол бўлиш, касб-хунар эгалаш ва “даст ба кор, дил ба ёр (кўл меҳнат билан машгул, дилда худо бўлсин) каби олижаноб, ўта дунёвий ва ҳаётий foялар таъсири ёритилади. Мусулмон кишига қўйилаётган бу талаб – мўгул босқинчилари асоратида ишлаб чиқариш кучлари заифлашган, кўплаб шаҳарлари вайрон қилинган ўлкада жуда муҳим бўлган хунармандчилик ва маданиятни ривожланишига даъват этади. Натижада бу тариқат Мовароуннаҳр аҳолисининг оёққа туриб, миллий маданият ва иқтисоднинг қайта тикланишига ёрдам берганлиги очиб берилади.

Мазкур курсдаги “Ислом ва умуминсоний қадриятлар” мавзусини ўтишда буюк аждодларимизнинг меросидан унумли фойдаланиш мумкин. Зоро, ислом динининг асл моҳиятини

ёшлар онгиға тұлалигича етказиш, улар асос солған таълимотларнинг тарихи, турли жиҳатларини түғри түщунтириш долзарб масаладир. Айникса, исломнинг байналмилал муносабатлар соҳасидаги қарашларини кенг ёритиш зарур. Чunksи Абу Мансур ал-Мотуридий ва Бурхониддин ал-Марғиноний ўз қарашларини Ханафийлик таълимотига суюнган ҳолда яратиши билан мусулмон жамоаси орасидаги ҳар қандай фирмәчиликка, яни, қавмнинг диний эътиқод белгилари бўйича гурухларга бўлинишига қарши бўлганлар.

Куръони Карим аҳкомлари инсонларга илоҳий фармийиш сифатида, аввало, заминдаги инсонлар наслининг бирлигига, уларнинг барчаси бир ота ва бир она – Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаво фарзандлари, бинобарин ака-ука, опа-сингил эканлигига асосланади.

“Эй инсонлар, биз сизларни бир ота (Одам алайҳиссалом) ва бир она (Момо Ҳаво)дан яратиб, ер юзи бўйлаб ҳар хил ҳалқ, қабила ва элатлар тарзида таратиб қўйдик, токи сизлар бир-бирларингиз билан танишиб, меҳр-муҳабbat ҳосил қилгайсизлар. Албатта, сизларнинг Оллоҳ наздидаги энг хурматлироғингиз тақвадорроғингиздир. Албатта, Оллоҳ билгувчи ва ҳамма нарсадан огоҳ зотдир. (“Ҳужурот” сурасининг 13-ояти.)

Бу оятдан маълум бўладики, инсоний сифатларда миллат ва элатлар ўртасида аслида ҳеч қандай тафовут йўқ.

Кишиларни Оллоҳ таоло иродаси билан миллат ва элатларга бўлиниши уларнинг инсоний фазилатларини асло камайтирамайди, балки хайрли байналмилал муносабатларни юзага чиқарувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Турли миллий гурухларга бўлингач, кишилар муайян сабаб ва географик муҳитлар таъсирида ўз тилларини, феъл одатларини ўзгартиридилар. Аммо бунда эзгу инсоний фазилатлар доирасидан чиқмайдилар. Бу унга муҳит ва бошқа табиий шароитларда яшаётган биродарларининг турмуш тарзларига қизиқишига уларни мойил қилиб қўйди. Куръони Карим “бир-бирлари билан танишишларингиз учун” деб таъкидлар экан, бундан узоқ мақсадларни кўзлайди. Зоро, бутун олам фаровонлиги миллат ва элатларнинг эзгу муносабатларига боғлиқдир.

Ҳар бир миллат ўзга миллатлар учун ҳам муҳим бўлган айrim маданий хислат ва фазилатларга, ахлоқий сифатларга эгадир. Умумий манфаат йўлида ўзаро танишув, ҳалқларни яқинлаштиришга хизмат қиласди. Мазкур суранинг 11-оятида шундай марҳамат қилинади: “Эй, имон келтирган бандалар!

Бир халқ иккинчи бир халқнинг устидан кулмасин. Зеро, масхара қилинган халқ масхара қилувчи халқдан яхшироқ бўлиши мумкин. Яна сизлардан бўлган аёллар ҳам бошқа мўмина аёлларни масхара қилиб кулмасиnlар – эҳтимолки, ўша масхара қилинган аёллар улардан яхшироқ бўлиши мумкин”

Демак, инсон зотининг асли бир экан, барча кишилар Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаво фарзандлари экан, бир миллатни ўзга миллат ва элатлардан ортиқлиги ва устунлиги ҳам йўқ. Бир-бирларига тажовуз этишлари, номусларини поймол қилишлари мумкин эмас, зеро, бу бир отадан тарқалган фарзандларга номуносибдир.

Шундай экан, биродарлик, қардошлиқ, меҳрибонлик ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатиш ҳар бир инсонга вожибдирки, бу инсониятни осуда ва иттифоқликда ҳаёт кечириш гаровидир.

Мана шунинг учун ҳам Ислом дини ирқий бўлиниш нима эканлигини билмайди. Инсонларни aka-ука деб, уларни тақвада ажратади, холос. Тақво эса солиҳ, хайрли ишларни адо этиб, мункар, ман қилинган, инсониятни заволга бошлайдиган ишларни қилмаслиқдир.

Бу таълимотни Мұхаммад алайҳиссалом ҳадислари янада мустаҳкамлайди. Урва бин Амр Расууллоҳдан шундай ривоят қиласидар: “Сизларнинг насабингиз кимнидир ҳақорат қилишингизга сабаб бўлмасин. Сизларнинг барчаларингиз “Одам фарзандисиз, жуда тўлдирилмаган идишлар каби тенгсиз, тақво ва инсофдан бошқа фазилатларда ҳеч ким бирбиридан устун бўла олмайди. Энг ёмон бўлиш учун беодоблик, фосиқлик ва хасислик кифоядир. (Аҳмад бин Ҳанбал ва Байҳақий ривоятлари “Шўабул Имон”дан.)

Айтилган ҳадисда ҳар бир халқ вакили дон билан жуда тўлдирилмаган идишга ўҳшатилиб, маълум нуқсонлардан халос эмаслиги баён этилади. Инсонлар тенглигига бу ўҳшатиши Расууллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам замоналаридағи кишилар учун тушунарли эди, зеро, у вақтларда шу каби ўлчовлар қўлланиларди. Инсонларнинг бирини иккинчисидан ағзаллиги ўзини маънавий ва руҳий тарбиялаш билан, ўзгаларни яаш ва турмуш кечириш ҳуқуқларини эътироф этиш билан шаклланади. Бу қўйидаги Ҳадиси шарифда жуда аниқ баён этилган: “Миллий худбинликка даъват этувчиларнинг бизга ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ, миллий худбинлик учун курашган киши мусулмон эмас, худбинлик учун курашда ҳалок бўлган киши мусулмон ҳолида ўлган бўлмайди” (Абу Довуд ривоятларидан.)

Бошқа бир Ҳадиси шарифда худбинлик нима эканлиги шундай ифодаланган: **“Миллий худбинлик нима?”** – деб сўрадилар: У зот: **“Худбинлик – бу ўз миллат ва халқини бошқа миллат ёки халққа нисбатан адолатсизлик қилаётганида ўз миллат ва халқини қўллашидур”**, – деб жавоб бердилар. (Абу Довуд ривоятларидан.)

Ўзга эътиқоддагилар билан бир ерда тинч-тотув яшашиб икки тарафлама ишончга асосланади. Қуръони Каримда шундай дейилади: **“Самовий китобга эга бўлган халқларнинг таомни сизларга ва сизларнинг таомларингиз уларга ҳалолдир”** Мазкур оятда шундай дейилишига боис шуки, турли эътиқодли кишилар ўртасидаги асосий инсоний муносабатлар дастурхон атрофида ўзаро муомалада, савдо-сотиқда ва маҳсулот айирбошлишда юзага келади. Шу тариқа мусулмонларнинг масиҳийларга, яхудийларга ва бошқа халқларга ишончи мавжуд бўлган. Агар Қуръони Каримда гайридинларнинг таомини ейиш ман қилинганда эди, мусулмонлар ва бошқалар ўртасида тоабад адоват бўлар эди. Мусулмон мамлакатларида масиҳий ва яхудийлар қадимдан ўзларнинг шахсиятини ҳимоя қилувчи ҳуқуқлардан фойдаланиб келади.

Мусулмонлар эса уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиб келадилар. Имом Абу Ҳанифа разиаллоҳу анхунинг ҳаётлари гайридинлар билан олий ҳимоячилик муносабатларига мисолдир. У зот ўzlари билан ҳамсоя бўлган гайридинга Қуръони Карим таълимотларига мувофиқ ҳурмат кўрсатишнинг юксак намуналарини кўрсатгандар.

Шунинг учун Қуръони Карим турли миллат ва элатларнинг ҳамкорлигига катта эътибор бериб, шундай марҳамат қиласди: **“Биз, халқларга уларга баён қилиб беришлари учун уларнинг тилларида сўзловчи расулларни юбордик. Оллоҳ таоло хоҳлаган бандасини залолатда қолдиради ва хоҳлаган бандасини ҳидоятга бошлайди. Оллоҳ таоло азиз ва ҳаким зотдур”**

Ояти каримада миллий тил ва маданиятни сақлашга ва ҳимоя қилишта даъват қилинар экан, байнамилал муносабатлар миллатнинг ҳуқуқлари ва уларнинг анъаналарини сира камситмаслиги лозим, дейилган. Зеро, мазкур ояти карима тақозо этганидек, Оллоҳ амри ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам суннатларини халқларга уларнинг ўз тиллари билан етказиш осондир.

Бинобарин, Яратганинг ўзи халқларнинг тилларини ҳурмат қилиб, ўз расулларини уларнинг ичидан юборар экан,

бундан халқларнинг миллии ва тил мустақиллиги улар тинчтотув яшашларининг муҳим бир қисми эканлигини намоён қиласди.

Хуллас, инсонлар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Уларнинг ҳар бири ўзганинг камолотини таъминлайди. Демак, хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзгани ёмон кўрган киши ўз камолотини ёмон кўрганидир, бу эса ўзининг хорлигига замин тайёрлашдир. Дарҳақиқат, инсонлар ўзгаларни ҳурмат қилиш билан бирга ўзларининг ҳурматини бошқалар олдида сақлай олсалар, миллатлараро муносабатлар яхшилик сари ривожланади.

Шу ўринда муаллим инсонпарварлик муносабатларига оид айрим диний тушунчаларнинг маъносини кенгроқ тушунтириб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Жумладан, садақа калимаси ҳақида сарвари оламнинг ушбу сўзларини келтириш жоиз: “Биродарингнинг юзига табассум билан боқишинг садақа, яхшиликка чорлаб, ёмонликдан қайтаришинг садақа, адашган одамни тўғри йўлга солиб қўйишинг садақа, йўлдан бирор чўпни олиб қўйишлигинг садақа, биродаринг белагига ўзингнинг белагингдан сув қуйиб беришлигинг садақа, кўзи ожиз кишини етаклашинг садақа”

Ислом динида жуда қаттиқ ва оғир гуноҳ (гуноҳи кабира) ҳисобланган “қатли нафс”, яъни ноҳақ инсон қонини тўкишликни ҳам шарҳлаб бериш лозим.

Ислом шариатида мўмин мусулмон бандаларнигина эмас, балки мусулмонлар диёрида яшаётган файридинларни ҳам қатл қилишлик қатъиян ман этилади.

Умуман, кабира (катта) ва сафира (кичик) гуноҳлар ҳақида батафсил маълумот берилса бўлади. Чунончи, уламои киромлар гуноҳи кабираларга таъриф бериб айтадиларки: “Қайсий бир жиноятки, уни қилган кишига шариат “ҳад” жазосини белгилаган бўлса, шулар ҳам гуноҳи кабиралар ҳисобланади. Масътан, “Куръони Карим ва Ҳадиси шарифда “Кимки бу амални қилас, охиратда қаттиқ азобда бўлур ёки Оллоҳи таолонинг ғазабига дучор бўлур” каби таҳдидлар айтилган бўлса, “аммаси катта гуноҳдир”, деб таърифлаганлар. Шунинг учун, Ислом таълимотида кўпроқ гуноҳи кабиралардан сақланишга даъват қилинади. Аммо кичик гуноҳлар Оллоҳнинг фазлу қарами билан, турли сабаблар билан тез-тез кечирилиб турилар экан. Гуноҳи кабиралар жумласига ширк келтириш, сеҳргарлик, ота-онани норози қилиш, етим-есирлар ҳақини емоқлик, кибру ҳаво кабилар киради.

Булардан ташқари, гуноҳи қабиралардан яна ёлғон гувоҳлик бериш, ароқхўрлик, қиморбозлик, ўғрилик, қароқчилик, ёлғон қасамхўрлик, ҳаром луқма емоқлик, ўзини-ўзи ўлдиришлик, ёлғончилик, порахўрлик, риёкорлик, омонатга хиёнат қилиш, қилган яхшилик ва инъомига миннат қилишлик, одамларнинг гапларига билдиrmай қулоқ солиб, сирларини билиб олишга интилиш, чақимчилик, лаънат сўзларни кўп айтиш, ваъдага бевафолик, фолчи-ромчиларнинг сўзларини тасдиқлаш, майитга дод-вой солиб йиғлаш, қўшниларга озор бериш, Оллоҳдан бошқаларга атаб қурбонлик қилиш, торозини нотўғри торгиш, васиятни бажармаслик, алдамчилик, одамларнинг айбу нуқсонларини халқقا ёйиш, гийбат ва шунга ўхшашиб сифатларнинг барчаси катта гуноҳлардан ҳисобланади.

Дарс якунида ўқитувчи миллатлараро муносабатлар бобида Ўзбекистоннинг ижобий тажрибаларига жаҳон оммаси эътибор ва қизиқиш билан қараётганини ўқувчиларга таъкидлаб, мунозара тарзида фикр алмашиши лозим.

ХУЛОСА

Маълумки, халқимиз бой илмий, маънавий меросга, тарихий, шонли анъаналарга эга. Ҳар бир халқнинг илмий ва маданий тараққиёт савияси унинг ўтмишга бўлган муносабати билан белгиланади.

Мустақил юртимиз ўзининг янгиланиш ва ривожланиш йўлида умуминсоний қадриятларга содиқлик, маънавий меросдан ақлий фойдаланиш ва уни бойитиш масаласига алоҳида эътибор бермоқда.

Илм-фан ва маданиятимиз буюк намояндаларининг муборак тўйлари, шонли саналарнинг мунособи нишонланиши бунинг ёрқин далилидир.

Мамлакатимизда Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент ва бошқа кўплаб ўтмишда илм ва маърифат марказлари бўлган шаҳарлар мавжуд. Бу ерларда жаҳонга машҳур алломалар етишиб чиқкан. Уларнинг ўлмас асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, ёш авлодни шакллантириш ишига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Аждодларимиз меросини ҳурмат билан сақлаб, уларни ўрганиб бориш, биз – авлодларнинг муқаддас бурчимиздир. Айниқса, келажагимиз эгаларида миллий истиқлол мағкурасини шакллантиришда маънавий маданиятимизнинг узвий қисмларидан хисобланган буюк аждодларимизнинг меросини ўрганиш орқали диний қадриятларни сингдириш шу куннинг долзарб масаласидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Истиқлол ва маънавият. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1994 й.
2. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимиизда, юрагимиизда, Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 1999 й.
3. Куръони Карим. Т., F. Гулом ва Чўлпон нашриётлари, 1992 й.
4. Ахлоқ-одобга оид Ҳадис намуналари. Т., “Фан”, 1990 й.
5. Маҳкамов У Ахлоқ-одоб сабоқлари. Т., “Фан”, 1994 й.
6. Мусулмончиликдан илк сабоқлар. Т., “Камалак”, 1992 й.
7. Шоший А. Ислом арконлари. Т., “Шарқ”, 1993 й.
8. Мусулмоннома. Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1992 й.
9. Мусулмончилик ҳақ-хуқуқлари ва вазифалари. Т. “Адодат”, 1993 й.
10. Тижорат ва имон. Т., “Фан” 1993 й.
11. Сайджонов Й. Жўраев У Дунё динлари тарихи. Т. “Шарқ”, 1998 й.
12. Ислом шариати асослари. Т ‘Меҳнат”, 1992 й.
13. Буюқ сиймолар, алломалар. Т., А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995 й.
14. Пўлатова Б. Инсонийлик ва инсон хуқуқлари. Т. “Адодат”, 1999 й.
15. Бухорий С. “Дилда ёр”, Т., Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993 й.
16. Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис (1–4-жиллари). Т. Қомуслар бош таҳририяти. 1991–1997-йиллар.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
“Ўзбекистон давлати ва хуқуқи асослари” дарсларида Бурҳонидин ал-Марғиноний меросини ўрганиш.....	5
“Дунё динлари тарихи” дарсларида Абу Мансур ал-Мотуридий меросини ўрганиш.....	13
Мотуридия ақидасининг хусусиятлари.....	15
Хулоса.....	27

К. Норматов, С. Маҳкамов, А. Мансуров

МЕРОСДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАЖРИБАСИДАН

(Методик қўйланма)

Муҳаррир *Д. Абдуллаева*

Мусаввир *Т. Герасимова*

Бадиий муҳаррир *А. Бобров*

Техник муҳаррир *Т. Смирнова*

Мусаххих Л. Мирзаҳмедова

ИБ № 3931

Босишига 21.05.2001 й.да рухсат этилди. Бичими
84x108 1/32, 1,68 шартли босма тобоқ. 1,5 нашр босма
тобоги. Жами 10000 нусха 163 рақамли буюртма.
137–2000 рақамли шартнома.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти, 700129,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошкент рангли оғсет босма фабрикасида босилди. Тош-
кент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.

Ушву кўлланма кутубхона фондига тегишли бўлиб со-
тувга чиқариш тақиқланади.

Норматов К. ва бошқ.

Меросдан фойдаланиш тажрибасидан. Методик қўлланма /К. Норматов, С. Маҳкамов, А. Мансуров/; Масъул муҳаррир: З. Ҳусниддинов. – Т.: F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2001. – 32 б.

Сарлавҳада: ЎзР ҳалқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази. 1. 1,2 муаллифдош.

Мазкур методик қўлланма ислом ҳуқуқшунослиги ва фалсафаси илмининг стук намояндадари бўлган буюк аждодларимиз Бурҳониддин ал-Марғиноний ва Абу Мансур ал-Мотурийларнинг меросидан ҳуқуқ ва динлар тарихи дарслари жараёнида фойдаланиш масалаларига бағишиланган.

Қўлланма аждодларимиз томонидан яратилган бой маданият билан мактаб ўқувчиларини танишитириш орқали ёшларни нафақат жисмоний, балки руҳий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиб камол топишларини кўзда тутади.

ББК 67.3я721+86.38